

## УзР ФА Зоология институтида Ёш олимларнинг навбатдаги илмий семинари булиб утди

✘ Бугун, 2019 йилнинг 15 май куни УзР ФА Ёш олимлар кенгашининг Зоология институтида навбатдаги илмий семинари булиб утди. Семинар ишида Ботаника, Зоология, Умумий ва ноорганик кимё институти ёш олимлари фаол иштирок этдилар.

Семинарни Зоология институти директори, б.ф.д., Бахтиёр Рустамович Холматов табрик сузи билан очди.

Шундан сунг сузга чиккан, б.ф.н., Мирзаева Гулнора Саидорифовна "Ўзбекистонда термитларнинг таркалиши, биологияси, экологияси ва карши курашиш чораларининг хозирги ҳолати" мавзусида маъруза килди. Маъруза йигилганлар орасида кизиқиш уйготди. Катор саволлар берилди. Берилган саволларга маърузачи томонидан батафсил жавоблар олинди. ✘

Институт жамоаси томонидан тайёрланган 15 дақиқалик видеоролик Ўзбекистонда термитларнинг таркалиши, биологияси, экологияси ва карши курашиш чораларининг хозирги ҳолатига каратилган булиб, ёш олимлар термитларнинг бугунги куннинг глобал муаммоси сифатида қабул килиб, ҳамжихатликда ишлаш лозимлиги тугрисида таклиф ва тавсиялар берилди.

✘ Семинар кун тартибининг иккинчи маърузаси институт кичик илмий ходими Намозов Сирожиддин Махмудович томонидан такдим этилиб, "Айдар - Арнасой куллар тизими замонавий ихтиофаунаси"га каратилди.

Семинар якуни буйича резолюция қабул килинди. ✘